

ЎЗБЕКИСТОНДА ХОТИН-ҚИЗЛАР КИЙИМЛАРИ (1960-1970 ЙИЛЛАР): МОДА, ТРАНСФОРМАЦИЯ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Юлдуз Гайбуллаева

Ўзбекистон миллий университети Ўзбекистон тарихи кафедраси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7296814>

Аннотация. Мазкур мақолада XX асрнинг 2-ярмидан бошлаб кийим андозаларининг тенденциялари ва унга таъсир кўрсатган омиллар таҳлил қилинади. Бу даврда Республикада ташкил этилган мода уйларининг дизайннерлари томонидан либосларнинг қайси элементларига ургу берилганини ўрганиб чиқилган. Таҳлил учун фойдаланилган манбалар 1971 йилда чоп этилган «Саодат» журналига тегишили бўлиб, янги яратилган либосларнинг турлари ва уларнинг омма орасида қай тарзда эътироф этилганлиги ёритилган.

Калим сўзлар: мода, Саодат журналы, либос, модалар уйи, хотин-қизлар.

ЖЕНСКАЯ ОДЕЖДА В УЗБЕКИСТАНЕ (1960-1970-Е): МОДА, ТРАНСФОРМАЦИЯ И ПРОИЗВОДСТВО

Аннотация. В данной статье анализируются тенденции моделей одежды второй половины 20 века и факторы, повлиявшие на них. В этот период было изучено, какие элементы одежды подчеркивали дизайнеры созданных в республике Домов моды. Источники, использованные для анализа, принадлежат журналу «Саодат», изданному в 1971 году, в котором освещались типы вновь созданных платьев и то, как они узнавались в массах.

Ключевые слова: мода, журнал «Саодат», платье, модный дом, женщины.

WOMEN'S CLOTHING IN UZBEKISTAN (1960-1970): FASHION, TRANSFORMATION AND PRODUCTION

Abstract. This article analyzes the trends of clothing patterns from the second half of the 20th century and the factors that influenced it. During this period, it was studied which elements of clothes were emphasized by the designers of the fashion houses established in the Republic. The sources used for the analysis belong to the Saodat magazine, published in 1971, which covered the types of newly created dresses and how they were recognized among the masses.

Keywords: fashion, Saodat magazine, dress, fashion house, women.

КИРИШ

1950 йиллар ўртасида Ўзбекистонда аёллар кийим-кечагини моделлаштириша янги белгилар пайдо бўлди. Либос қад-қоматга тўлиқ бўйсуниб, унинг гўзаллиги, латофатини кўрсатишга мослашди. Айни пайтда миллий либос, шу жумладан аёлларнинг ёзги кенг кўйлаги сақланиб қолаверди.

XX асрнинг 2-ярмидан бошлаб кийим андозаларининг ўзгаришларини маҳаллий хусусиятлар билан бирга умумиттифоқ модасини ҳам ҳисобга олган ҳолда моделчи рассомлар белгилаб бера бошлашди. Собиқ иттифоқнинг турли шаҳарларида хотин-қизлар кийиниши услубини белгиловчи “Модалар уйлари” вужудга кела бошлади. Хусусан, 1959 йили Тошкентда “Модалар уйи” ташкил этилди. Бу профессионал даражадаги моделлаш санъатининг пайдо бўлганлигидан далолат берди. Мазкур либослар уйида янги либос яратувчи модельерлар хизмат қилган. Модельерлар асосан оммага мактаб битирув кечаси, кўчага ва уйга кийиш мумкин бўлган уч хил кўйлак намойиш қилинган.

Таъкидлаш жоизки, Тошкент модалар уйи республикада, хотин- қизлар либосларини замонавийлаштириш, уни қулай ва мақбул кийимга айлантиришда катта хизмат қилди.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Бу янги тикилган кўйлаклар учун реклама вазифасини ўтаб берган. Хотин-қизларнинг янги турдаги кўйлаклари магазинларнинг ўзларида ҳам оммалаша бошлаган. Масалан, “Саодат” журналида чоп этилган мақоланинг бирида икки аёл ўртасидаги сухбат бунга исбот бўлади олади. Хусусан, унда қуйидаги сухбат бўлиб ўтади:

“Магазинларнинг кийимлар сотиладиган бўлими аёллар билан гавжум, қатор илгичларда осиғлик турган шоҳи кўйлакларнинг бирини олиб, бирини қўйиб, обдон кузатадилар ва шу ернинг ўзида баҳсга тушадилар.

-Жуда чиройли тикилган-а!

-Фасоннинг бежиримлигини айтмайсизми?

-Ёрлиғига қарангчи? Қайси давлатники экан?

-Вой ўзимизники. “Тошкент. 2-тикув фабрикаси” деб ёзилган.

-Ха ўзимизники, - фахр билан тасдиқлайди бир аёл. 2-фабрика чеварлари шундай кўйлаклар тикишяптики, қўяверасиз. Қизимга улар тиккан “Космос” кўйлагидан совға килган эдим. Мактабни битириув оқшомига кийди, бирам чиройли”.

XX асрнинг 2-ярмидан европача русумдаги кийимларнинг кенг тарқалиши натижасида қишлоқ аҳолиси ҳам асосан европача либос унсурлари бўлган кийимга ўтишган. Кийим-кечак бўйича ёшлар ўртасидаги тафовутга руҳий омил таъсир кўрсатарди. Одатда ёшлар ҳар қандай янгиликни тез ўзлаштиришар, ўрта авлод унга эҳтиёткорлик билан ёндошиб, фақат қисмангина қабул қиласар, кексалар эса янгича кийимларни мақбул деб топишмас эди. Ана шу сабабли ҳам айни бир андозанинг ўзи дастлаб ёшлар либосида расм бўлган унсур сифатида тасдиқланар, кейин иккинчи даражага тушиб, ўрта авлод томонидан истифода қилинар ва шундан сўнггина кексалар жавонига кириб келар эди. Шу сабабли, янги турдаги аёллар кийимлари асосан ёшлар учун ёки ёшларга мослаб яратилган ва ишлаб чиқарилган. Масалан, “Саодат” журнали деярли ҳар сонида хотин-қизларнинг янги кийим турларини реклама қилиб борган. Ушбу янги турдаги кўйлакларнинг аксарияти ёшлар учун мўлжалланган эди. “Янги либослар” номи остида нашр этилган ушбу материалларнинг бирида янги яратилган кофта ва юбқани ёшларга тавсия қиласди. Ушбу қора юбка шерстъ ва лавсандан тикилган ҳамда кофта эса крепдешин, поплин, батист ёки кашмирдан тикса бўлган. Кофталарнинг олди ва енг учига капрон ёки тўр тутиб безатилган.

1960-йиллардан кийим-кечакни режалаштиришга киришилди. Кийим моделлари мавсум хусусиятларидан келиб чиқиб ишлана бошланди. Шу даврдан иш кийимлари – коржомаларни яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Модельерлар аҳоли ўртасида барқарор равишда сақланиб қолаётган ёзги либоснинг анъанавий шакли устида ҳам ишлай бошлишди. Аммо, дала этнографик материалларининг кўрсатишича, ўзбекларнинг бой ва ўрта қатламлари ўз мақомларини кўрсатиш йўлида ноёб кийим-кечакларни ва кундалик маҳсулотларни сотиб олишган ёки “кўлга киритишган”.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

1970-йилларнинг бошидан яна узун кийиниш урф бўла бошлади. Манбалар таҳлили кўрсатадики, 1970-йилларда уй, кўча ва маросимлар учун алоҳида кўйлаклар тикиш ва кийиш кучайиб борган. Хусусан, мазкур даврда ёшлар орасида шим кийиш урф

бўлиб кетган. Бу кийим маҳаллий шароитда кўчага унча мос бўлмаган, бироқ, хотин-қизлар учун уйда қулай ҳисобланган. Одатда аёллар шимнинг устидан калтароқ кўйлак ёки трикотаж кофта кийиб юрган. Мазкур йилларда хотин-қизлар кўчада асосан турли кўйлак, кофта-юбка ва костюм кийиб юрган. Масалан, майда гулли читдан тикилган кўйлак-костюм ўша даврда машхур бўлган. Унинг юбкаси тор олинган ҳамда костюмнинг этаги, олди, ёқа, ва енг учлари энсиз тасма билан безатилган. Бундан ташқари, кўш этакли кўйлак ўша давр ёшлирига мос бўлган. Бу кўйлакларни қўчалик қилиб кийиб юриш мумкин бўлган.

1970-йилларда аёллар уйда қандай кийимлар кийганлиги ҳамда айнан нима учун ушбу турдаги кийим-кечаклардан фойдаланганлигини тушуниш учун манбада қайд этилган қуидаги жумлага мурожаат қиласиз: “Уйга қайтибоқ, хизматда юрган кийимни ечиб, енгил ва қулай кийиниб олгингиз келади. Шундай қилгач, ўзингизни эркин ҳис этиб, чарчоғингиз тарқалгандек бўлади. Аёл уйда беюмуш турмайди. Қозон-товоқ, супур-сиدير Уй юмуши қилинаётган чокда фартук тутиб олиш қийин эмас. Уни ҳам ўзингиз ёқтирган читдан тикиб олишингиз ёки тайёрини магазиндан харид қилишингиз мумкин. Трикотаж фабрикалари тайёрлаб чиқараётган ярим шерсть, шерсть гамаши (шим)лар йилнинг совуқ фаслларида уй учун қулай. Гамаши устидан кўйлак кийган мъқул. Албатта ҳар ким ўзига ёқкан бичиқда кийим кияди. Лекин уйда қай вақт қандай кийимда юришни билиб қўйиш фойдадан холи эмас. Эрталаб ўриндан турганда, уй юмушлари қилаётганда халат кийилади. Дам олиш чоғида кўйлак кийилади. Меҳмон кутганда бир оз ясаниб олган мъқул. Идиш-товоқ юваётганда фартук тутиш мумкин. Бу бир кунда бир неча марта кийиниш шарт, деган сўз эмас. Ҳар ким ўз шароитига мослаб кийимни алмаштира билмоғи лозим”.

Мазкур даврда турли маросимлар учун янги турдаги кўйлаклар яратила бошлади. Хусусан, ёш қизлар мактаб битириув кечаси учун “Космос” номли кўйлак кийган. Мазкур даврда турли карнаваллар ҳам уюштирилиб турилган бўлиб, ушбу маросимлар учун алоҳида кийимлар тикилган. Масалан, уларнинг айримларини санаб ўтамиз. Улардан бири товус нусха костюм ҳисобланган. У қуидагича тайёрланган, ээгилувчан симни ёйсимон букиб дум ясалган. Унга дока тортиб яшил рангга бўялган ҳамда кўк ва ҳаворанг бўёқлардан дум патлари чиқарилган. Белдан пастда осилиб турган йирик патларни тутилган чиптадан таёrlанган. Чиптани ҳам оч ва тўқ жигар рангга бўялган ва белбоқса бириктириб қўйилган. Кофтани яшил чит ёки сатиндан, юбкани яшилга бўялган докадан тикиш мумкин бўлган. Мазкур кийим билан яшил пайпоқ ўрнига трикотаж бриджа кийилган. Яна бир карнавал кийимларидан бири “Малика Шахризода костюми” бўлган. Камзул қизил сатиндан тикилган. Елка, енг ва этаклардаги қалампир безаклар тўқ ҳаво ранг сатиндан ҳамда ғарир енг ва кўйлак этаги юпқа матодан тикилган. Лозим атлас нусха чит ёки штапель полотнодан бўлган. Шиппак кўк сатиндан, учига пахта тиқиб, тумшуғи юқорига кўтарилиб қўйилган. Тақинчоқ безаклар картон қоғоздан ясалган. Мунчоқлар пахтани юмaloқlab, устидан дока ўраб ясалган. Безаклар устидан ялтироқ ранг бериб юборган. Бош кийим докадан ясалган. У картондан ясаб сариқ ва қизил рангларга бўялган тилла қошга бириктирилган.

Карнавал кийимларидан яна бири “Тун” костюми ҳисобланган. Бу костюм ҳам оддий матолардан тикилган. Бошлардаги ой ва юлдузлар катта картон қоғоздан ясалган. Бордию бундай картон бўлмаган бўлса, юпқароқ картонни икки-уч қават қилиб елимда

ёпиширилган ва жуда қаттиқ картон ҳосил бўлган. Нимча ва юбкадаги юлдузларни кўк ранг сатиндан қирқиб ва чатиб бириктирилган. Этақдаги юлдуз ва ойларни қоғоздан қирқиб олинган, кумуш ранг ялтироқ бўёқка бўялган ва игна билан чатиб чиқилган. Енг ва кўкрак докадан, кўк рангда майда гуллар чизиб чиқилган. Рўмол дераза пардасига тутиладиган тўрдан ясалган ҳамда уни кул ранга бўяб, ора-орасига нинада қора ип ўтқазилган.

МУҲОКАМА

1960-1970 йиллари бозорни маҳсулот билан бойитиш зарурати муаммоси долзарблашди. 1970 йиллардаги “турғунлик” ҳолати, сифатли ва замонавий кийим-кечакка бўлган эхтиёж советлар мамлакатида чет эл моллари, айниқса либосларга бўлган эхтиёжини кўпайтириб юборди. Шуни алоҳида таъкидлаши жоизки, собиқ иттифоқ худудига чет элдан кўп ҳолда давлат буюртмасига кўра сифатли маҳсулотлар кириб келарди.

1970-йилларда чет давлатлардан янги модаларнинг кириб келиши ҳамда хотин-қизлар ўртасида янги турдаги кўйлакларга талаб ошиши натижасида Ўзбекистонда кийим-кечак ишлаб чиқаришга мўлжалланган фабрикалар ва маҳсулотлар сони орта бошлади. Шунингдек, мазкур ҳолатга совет ҳокимиятининг “режани ошириб бажариш талаби” ҳам таъсир кўрсатган. Хусусан, 1971 йилда Самарқанд трикотаж фабрикасида янги тикувчилик цехи ишга туширилган. Бу ерда эркакларнинг ва аёлларнинг жун спорт костюмлари тикилган. Шунингдек, айrim фабрикалар пальто ишлаб чиқаришга мўлжалланган эди. Хусусан, 1971 йилда Тошкентдаги “Қизил Тонг” тикувчилик фирмаси ҳар куни 300-320 та пальто тиккан. Бошқа томондан, мазкур даврда айrim фабрикалар фақатгина битта кийим маҳсулоти ишлаб чиқаришга мўлжанмай, балки бир неча турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарган. Масалан, Андижон трикотаж фабрикасида 17 хил кийим маҳсулотлари ишлаб чиқарилган.

Мазкур даврда республикада кийим маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган энг машҳур муассаса “Юлдуз” фабрикаси ҳисобланган. “Юлдуз” фабрикаси қизлар ва ўғил болалар мактаб формасини бутун республика савдо тармоқлари орқали тарқатган. Шунингдек, унда эркакларга шерстъ костюмлари ҳамда ўсмир болаларга костюмлар тикилган. Мазкур фабрика айниқса ўзининг аёллар учун мўлжалланган жакети билан машҳур бўлган бўлиб, уларга четдан ҳам талаб кучли бўлган. Хусусан, “Юлдуз” фирмасининг Чуқурсойдаги филиали ҳар куни 2800 та кийим тиккан. Ушбу филиал ғиштдан қурилган уч қаватли бинода жойлашган бўлган. Филиалда 970 нафар тикувчи меҳнат қилган бўлиб, уларнинг 85 фоизи аёллар бўлган. “Юлдуз” фирмасида аксарияти ўрта маълумотли ва ораларида университетларда сиртдан ўқиётганлар ҳам мавжуд бўлган. Ҳатто 8-синф маълумотига эга ишчилар ҳам бўлган.

Кийим-кечак ишлаб чиқарадиган фабрикалардан яна бири Тошкентдаги устки трикотаж кийимлар фабрикаси ҳисобланган. У икки қаватли бинода жойлашган бўлиб, бир қанча цехлардан иборат эди. Уларнинг ичида энг тўқув цехи ҳам мавжуд бўлган бўлиб, бу цехда кунига 1100 дона трикотаж буюм тўқилган. Тикув цехида аёллар ва эркаклар учун трикотаж кофталар ҳамда хотин-қизлар учун иссиқ трикотаж костюмчалар тикилган. Улар кунига 1000 донадан устки трикотаж кийимлар тиккан. Мазкур фабрика маҳсулотлари харидорларга мақбул бўлган ва шу сабабли магазинларда узоқ қолиб кетмаган. 1971 йилнинг биринчи ярмида ушбу фабрика 4 миллион 480 минг сўмлик

маҳсулот тайёrlаб берган. Улар мазкур давр оралиғида 323 минг соф даромад кўрган. Шунингдек, 1971 йилда ишлаб чиқариш 18 фоизга ошган. Мазкур фабрикада 787 нафар ишчи меҳнат қилган.

Мазкур даврда республикада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар собиқ иттифоқ бўйича ўтказилган бир қанча кўргазмаларда шухрат қозонган. Хусусан, “Тошкент 2-тикув фабрикаси” маҳсулотлари бунга мисол бўла олади. 1971 йилда “Тошкент 2-тикув” фабрикасида 600 нафар аёл ишлаган. Фабрикада тикилган тўртта моделдаги кўйлак – Москвада бўлиб бўлиб ўтган катта бадиий кўргазмада юксак баҳо олган. Ушбу маҳсулотларга “Давлат сифат белгиси” берилган. “Сифат белгиси” билан тикиладиган маҳсулотлар фабриканинг 2 ва 7-бригадаларига ишлаб чиқиш топширилиган. Чунки ушбу икки бригада кўпроқ ва сифатлироқ маҳсулотлар ишлаб чиқарган. Жумладан, 7-бригада фаолияти “Саодат” журналида қўйидагича тасвирланади: “Ҳақиқатан ҳам улар бирбиридан ўзган аёллар. Уларнинг қўллари-қўлларига тегмайди. Саноборхон физиллатиб ён тикиб, ёқа ўрнатади. Дилбархон кўз очиб юмгунча этакни бостириб чиқади. Садилжоннинг зудлик билан енг ўрнатганини сезмай ҳам қоласиз. Малика опа жазиллатиб дазмол уради. Кимдир ричагни бураб, кўз очиб юмгунча қатор тугмаларни қадаб ташлайди. Караб турибсизки, бу бригадада 20 минут ичидаги тўрт кўйлак тайёр”. “Тошкент 2-тикув” фабрикасида фақат ипакли газламалардан кўйлак тикилган. “Болалар дунёси” магазинларининг қизчалар учун кийимлар бўлими ҳар доим шу 2-фабриканинг маҳсулоти билан тўлиб турган. Шунингдек, 1970-йилларда кийим тикишга мўлжалланган замонавий техникалар ривожланган. Шунга қарамасдан, мураккаб фасонлар қўлда бичилиб деярли қўлда тикилган.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, 1960-1970 йилларда Ўзбекистонда хотин-қизлар кийимлари трансформацияяга учради. Хусусан, мазкур даврда бир қанча янги кўйлак турлари четдан кириб келди ёки республикадаги мутахассислар томонидан яратилди. Мазкур янги кўйлак фасонлар асосан ёшлар орасида урфга айлана бошлади. Шу билан биргалиқда, ўрта ва катта ёшли аёллар анъанавий кийим-кечаклардан фойдаланишини давом эттираётган эди. Бу даврда “Модалар уйи”нинг ташкил топиши янги фасондаги кўйлакларнинг яратилишига олиб келган. Бу жараёнда модельерлар муҳим ўрин тутган. Модельерлар, шу билан биргалиқда, янги кийимларни реклама қилиб борган. Мазкур даврда хотин-қизлар кийимларини ишлаб чиқиш ҳам ривожланиб борди. Жумладан, бир қанча фабрикалар ташкил этилди. Янги ташкил топган ва мавжуд фабрикалар совет ҳокимиятининг топшириғи асосида маҳсулотлар сонини ошириб борган. Шунингдек, хотин-қизлар иш, маросим, кўча ва уй учун алоҳида кўйлаклар тикириш жараёни ривожланди.

REFERENCES

1. Хўжаева Б. Бари сизга аталган. // Саодат. 1971. № 10. Б. 16.
2. Юсупова Н. “Юлдуз”даги маданият. // 1972. № 7. Б. 16-17.
3. Сайфиева Р. Қўлингиз дард кўрмасин. // Саодат. 1971. № 11. Б. 16.
4. Костюм народов Средней Азии. // М., Наука, 1979.

5. Борозна Н.Г. Некоторые материалы об амулетах украшениях населения Средней Азии. Мусульманские верования и обряды в Средней Азии. М.// Наука, 1975. 281-297 б.
6. Содикова Н. Ўзбек миллий кийимлари. // Шарқ, 2000. 89-95 б.
7. Фахретдинова Д.А. Ювелирное искусство Узбекистана. //Тошкент. F.Гулом номидаги нашриёт, 1988. 64 б.
8. Турналиев К. Каталог “Все цвета радуги”// Ташкент, “Фан” нашриёти, АНРУз. 1991..